



ҚАТЪИЙ СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯ, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ВА СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАР ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ IV ПЛЕНУМИДА ҚИЗГИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



НАТИЖАЛАР ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА

- 2026 йил 1 январь ҳолатига партия аъзолари сони 1 миллион 291 минг нафарга етди. Яъни бир йилнинг ўзida 535 минг нафарга кўпайиб, 71 фоизга ўсди.
- 2026 йил 1 январь ҳолатига партия аъзолари таркибидаги ёшлар улуши 216 435 нафарга ошиб, 502 768 нафар (39 фоиз) ни ташкил этди. Аёллар улуши 280 476 нафарга кўпайиб, 649 458 нафар (50 фоиз)га етди.
- Маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган 5 612 та депутатлик сўровлари юборилиб, шундан 4 149 таси, яъни 74 фоизи ижобий ҳал этилди. Маҳаллий Кенгашларда 1 225 мартаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирок этди. ЎзХДП Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари раҳбарлари видеомулоқот форматада қатнашди. Ҳар қандай тараққиёт ортида аниқ мақсад ва таҳлил ётади. Пленумда партиянинг 2025 йилдаги

фаолияти натижалари атрофлича муҳокама қилинди ҳамда 2026 йилга мўлжалланган стратегик вазифалар белгилаб олинди. 2025 йилдаги фаолияти сарҳисоби шунини кўрсатадики, эришилган ютуқлар билан бирга ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина. Шунинг билан жорий йил учун белгиланган йўналишлар бу нафақат давомийлик, балки партия фаолиятини янги босқичга кўтариш сари ташланган муҳим қадамдир.

▶ (Давоми 4-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида депутатлар дастлаб ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган қарор лойиҳаларига диққат қаратдилар. "Сурхондарё вилоятининг Қизириқ ва Жарқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги палата қарори лойиҳасини кўриб чиқишди. Чегара ўзгартиришларига мувофиқ, Жарқўрғон туманидан 4 740 гектар ер майдонини Қизириқ тумани таркибига ўтказиш назарда тутилмоқда. Бу туманларни иқтисодий жиҳатдан бошқариш, 731 та оилада истиқомат қилувчи 4 230 нафар аҳолининг турмуш шaroитларини янада яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга замин яратади. Қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачиликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, Қизириқ туманини ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришга хизмат қилади.

▶ (Давоми 2-бетда)

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ,
ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

ЯНГИ ЎЗБЕКISTONNING ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ – ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

Замонавий дунёда туризм глобал иқтисодийнинг энг йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Маълум бир мамлакатнинг бугуни ва тарихи, фусункор табиати, халқининг маданияти, урф-одатлари, маънавий ва диний қадриятлари билан танишишдек хузуурли имкониятни тақдим этадиган туризм саноати миллий фаровонликнинг муҳим манбаи ҳамдир.

▶ (Давоми 6-бетда)

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ - АМАЛДА



ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН АСОСИЙ КУЧГА АЙЛАНТИРИШ – БОШ МАҚСАД

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Президентимизнинг 2026 йил 10 апрелдаги "Олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

▶ (Давоми 8-бетда)

- 1 368 та масала партия гуруҳларида муҳокама қилинди. 1 073 та масала доимий комиссия йиғилишига ва 1 173 та масала Кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилиб, партия электорати манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилинди.
- Партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролар томонидан жами 17 385 та мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 15 655 таси, яъни 90 фоизи партия масъул ходимлари ҳамда депутатларимиз иштирокида ижобий ҳал этилди.
- 418 та ташкилот, корхона ва муассасаларда партиянинг янги бошланғич ташкилотлари тузилди, қуйи бўғинлар сони 11 159 тага етди.

ПАРЛАМЕНТДА

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Мажлисида чегараларга ўзгаришлар киритиш масаласи тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, халқ депутатлари Қизириқ ва Жарқўрғон туманлари Кенгаши ва вилоят Кенгашида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картографик чизмаси ва чегаралар чизигининг таснифи маъқуллангани қайд этилди.

Ушбу масала юзасидан қарор лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Мажлисида, шунингдек, "Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри ва Томди тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида"ги палата қарори лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, чегараларга киритилаётган ўзгартиришлар билан Навоий вилояти Томди туманидан 2 459 гектар ер майдони Зарафшон шаҳри таркибига ўтказилиши белгиланмоқда.

Қарор лойиҳасига кўра, Зарафшон шаҳрининг истиқболли режаси ишлаб чиқилиб, уй-жойлар, саноат, ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилади. Жумладан, узоқ муддатли бизнес-режага асосан ҳудудда 250 дан ортиқ саноат ва ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш, 90 та ижтимоий соҳа объекти, 500 дан ортиқ савдо-маиший ва хизмат кўрсатиш нуқталарини барпо этиш режалаштирилган.

Ушбу масала ҳам тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари, шунингдек, халқ депутатлари Зарафшон шаҳри ва Томди тумани Кенгаши ва вилоят Кенгашида муҳокама қилиниб, чегараларнинг картографик чизмаси ва чегаралар чизигининг таснифи маъқуллангани қайд этилди.

Мазкур масала юзасидан қарор лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ИНСОН ҲАЁТИ ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни ташкил этишда энг катта бойлик — инсон ҳаёти ва унинг хавфсизлиги муҳим ҳисобланади. Айниқса, хавфли ва потенциал хавфли объектлар билан боғлиқ фаолиятда биргина эйтиборсизлик ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис бу соҳада аниқ, замонавий ва самарали ҳуқуқий асосларни яратиш ҳаётини аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, мажлисида депутатлар хавфли ишлаб чиқариш объектларининг ва потенциал хавфли объектларнинг саноат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди.

Ушбу ҳужжат саноат хавфсизлигига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳамда хавфли ишлаб чиқариш объектлари билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи субъектларнинг масъулиятини оширишни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан инсонларнинг ҳаётига, соғлиғига, мол-мулкига ва атроф-муҳитга хавф туғдириши мумкин бўлган — потенциал хавфли объектлар (лифтлар, юк кўтариш механизмлари, эскалаторлар, травалаторлар, шамол электр станциялари, аттракционлар) хавфсизлигига талаблар қўйилмоқда.

Лойиҳа билан саноат хавфсизлиги соҳасида янги институт — хизматлар кўрсатадиган эксперт ташкилотлари ҳам жорий этилмоқда. Улар хавфли ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланувчи корхоналарда саноат хавфсизлигини бошқариш тизимини ихтиёрий асосда мустақил аудитдан ўтказишди.

Бу орқали корхоналар ўз фаолиятидаги хавфсизлик даражасини ҳолис баҳолаш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имкониятига эга бўлади. Натижада ишлаб чиқариш жараёнларида хавф-хатарлар камайиб, ходимлар ва аҳоли хавфсизлиги таъминланади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ҚОНУНЧИЛИКДА НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?



РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ

Бугунги кунда рақамли технологиялар жамият ҳаётининг барча жабҳаларига чуқур кириб бормоқда. Иқтисодиёт, таълим, хизматлар соҳаси — барчасида рақамли ечимлар самарадорликни ошириб, янги имкониятлар яратмоқда. Шу боис бу йўналишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, замон талабларига мос тизим яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Рақамли технологиялар халқаро маркази тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳаси орқали Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини алоҳида ҳудудда махсус қонун билан тартибга солиш таклиф этилмоқда.

Унга кўра, Марказ ҳудудда махсус ҳуқуқий режимни яратиш, (рўйхатга олиш, лицензиялаш

қисқартириш) назарда тутиляпти.

Марказ иштирокчилари учун "Ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда низоларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ва долзарблиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар билан юзландилар. Мазкурлар томонидан барча саволларга батафсил тушунтиришлар бериб ўтилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ РОЛИ ВА ТАЪСИРИ ОРТАДИ

Ялпи мажлисида, шунингдек, бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан киритилган — халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз курашни сиёсатининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлайди. У билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятининг самарадорлиги ошади. Ҳудудларда коррупцияга қарши курашишда маҳаллий Кенгашларнинг роли ва таъсири ортади.

Қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўржорғи Кенгеси Раиси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгаш фаолиятига раислик қилиши таклиф этилмоқда. Ушбу норма коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини мустаҳкамлайди. Бу борадаги адолатни таъминлайди.

Лойиҳа билан маҳаллий Кенгашларнинг бошқа ваколатлари фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланиши назарда тутилмоқда.

Муҳокамадан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Бугунги глобал иқтисодиёт шароитида ҳар бир давлат учун халқаро молиявий институтлар билан самарали ҳамкорлик қилиш янги имкониятлар эшигини очади. Бу нафақат инвестицияларни жалб қилиш, балки йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, мажлисида депутатлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳаси — Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт банки (ЯТБ) тўғрисидаги битимга қўшилиши масаласини муҳокама қилишди.

Мамлакатимизнинг мазкур битимга қўшилиши ўзига хос тарихий воқеа сифатида миллий манфаатларни кўзлаган очик, прагматик инвестиция сиёсатининг мантиқий давомидир. Ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон 2014 йилда ташкил этилган мазкур нуфузли молиявий институтга аъзо бўлиш орқали глобал инвестиция жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришни мақсад қилган.

Таъкидлашчи, ушбу ҳамкорлик иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани яратиш ва узоқ муддатли имтиёзли молиявий ресурсларни жалб этиш имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Янги тараққиёт банки, аввало, ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма ва барқарор ривожланиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга ихтисослашган бўлиб, унга аъзо бўлган давлатлар ўртасида ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида фаолият юритади.

Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт банкига аъзо бўлиши миллий иқтисодиётни модернизация қилишда муқобил ва имтиёзли сармоялар оқимини таъминлаш имконини беради.

Ушбу ҳамкорлик мамлакатимизга халқаро молиявий майдонда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, энергетика, сув хўжалиги ва транспорт соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш учун янги имкониятлар эшигини очади. Юртимизда янги корхоналар ва минглаб иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ ВА БРЕНДЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ ҲИМОЯСИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Мажлисида "Келиб чиқиш жой номлари ва географик кўрсаткичлар тўғрисидаги Лиссабон битимининг Женева актига (Женева, 2015 йил 20 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мажлисида қонун лойиҳаси мамлакатимизда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш, миллий маҳсулот ва брендларни халқаро миқёсда ишончли ҳимоя қилиш борасидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикасининг Лиссабон битимининг Женева актига қўшилиши назарда тутилмоқда.

Ушбу халқаро ҳужжат товар келиб чиққан жой номлари ва географик кўрсаткичларни халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ягона механизмини белгилайди. Мазкур тизимга қўшилиш орқали Ўзбекистон географик кўрсаткичлар ва товар келиб чиққан жой номларини халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказиш бўйича Лиссабон тизимининг тўлақонли иштирокчисига айланади.

Ушбу ҳужжат маҳаллий тадбиркорларимизга янги қулайликлар эшигини очмоқда. Энди улар миллий брендларимизни халқаро майдонга олиб чиқишда ортиқча овоза бўлмайди. Ортиқча харажат ҳам қилмайди. Яъни, ҳудудларимизга хос, анъанавий ва миллий маҳсулотлар битта талабнома орқали бир вақтнинг ўзида Женева акти иштирокчи давлатларида муҳофаза қилиниши мумкин бўлади. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчилар учун қулай, ихчам ва самарали халқаро ҳимоя механизминини яратмоқда.

Бундай механизм, аввало, Марғилон атласи, Чуст пичоғи, Ғузур тандир гўшти каби юртимизнинг ўзига хос ноёб маҳсулотларини халқаро даражада ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг нуфузи ва харидорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Миллий брендларимизни ташқи бозорларда кенг тарғиб этиш, экспорт имкониятларини ошириш, ҳудудий маҳсулотларнинг қўшимча қийматини юксалтириш



ОМБУДСМАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ БУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ҲАҚИДА ТАШКИЛОТЛАРГА ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА ОҒОҲЛАНТИРИШ, ТАҚДИМНОМА, ИЛТИМОСНОМА ВА ТАЛАБНОМА КИРИТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

ҳамда гастрономик туризмни ривожлантириш учун ҳам янги имкониятлар очилади. Ҳужжат Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим қадам бўлади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ТАКЛИФИ

Ялпи мажлисида депутатлар Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолиятини янада самарали ташкил этишга қаратилган қонунчилик таклифини кўриб чиқишди.

Ҳужжат 2024 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги қонун нормалари ижросини амалда самарали таъминлашга қаратилган. Мазкур қонунда Омбудсманга қўшимча ваколатлар ва таъсир чоралари берилган эди.

Жумладан, Омбудсман инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўймайлик ҳақида ташкилотларга ва мансабдор шахсларга оғоҳлантириш, тақдимнома, илтимоснома ва талабнома киритиш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан Омбудсман институтининг ушбу янги ваколат ва таъсир механизмларини амалда самарали қўллаш учун ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

Кўмакка муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари таклиф қилинди

Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида барча фуқароларнинг – миллати, дини, тили ва ижтимоий мақоидан қатъи назар ҳуқуқ-манфаатлари тенглигини кафолатлаб, барча ислохотлар замирида инсон қадрли устуворлигини таъминлашга интилоқда. Кучли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ривожланишнинг ушбу моделини барқарор тараққиёт ва халқ фаровонлигининг асоси деб билади.

Шу нуқтаи назардан 17 апрель куни Президент ҳузурида тақдироти ўтказилган, аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва сифатини ошириш, шунингдек, бу соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар партияимиз депутатлари ҳамда фаолларини асло бефарқ қолдирмади. Ижтимоий ҳимоя тизимида жорий этилиши кутулаётган янги механизмлар партия электорати манфаатларига қай даражада мувофиқлиги барчани бирдай қизиқтиргани рост.

Ижтимоий ҳимоя – бу ҳар бир давлатнинг, жамиятнинг инсонийлик даражасини кўрсатадиган муҳим сифатлардан бири. Жамият тарихи шунини кўрсатадики, эҳтиёжманд катламни қўллаб-қувватлаш дастлаб оила ва маҳалла институтлари орқали амалга оширилган. Кейинчалик бу вазифа давлатнинг бевосита масъулияти таркибига кирди.

Шу тарихида ижтимоий ҳимоя оддий ёрдам бериш амалиётидан ҳуқуқий кафолатлар, институционал механизмлар ва комплекс хизматлар тизимига айланган.

Бугунги кунда дунё таърибисидида ижтимоий ҳимоя тушунчаси пенсия ва нафақалар билан чекланмайди. У инсоннинг бутун ҳаёти давомида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни қамраб олади. Шубҳасиз, ижтимоий ҳимоя қанчалик кенг қамровли ва халқчил бўлса,

жамиятдаги барқарорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Тақдиротида руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатишни тубдан такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилгани кўпдан бери кутулаётган, жамиятимиз учун гоятда долзарб янгилик бўлди. Қайд этилганидек, бу борада асосий мақсад – ана шу тоифадаги шахслар учун оила муҳитига яқин шароитда комплекс хизматлар кўрсатиш, парвариш билан банд бўлган оилаларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Хусусан, 2026 йил 1 июнга қадар ривожланишида нуқсонлар аниқланган 3 ёшгача бўлган болалар учун илк бор “Эрта аралашув” хизмати босқичма-босқич жорий этилади. Ушбу хизмат орқали махсус педагоглар ва даволловчи жисмоний тарбия йўриқчилари иштирокида болаларга коррекцион-педагогик ёрдам, нутқ ва жисмоний ривожлантириш машғулоти кўрсатилади. Хизмат нодавлат ташкилотлар томонидан махсус электрон реестр асосида йўлга қўйилади. Шунингдек, анатомик нуқсонлар билан туғилган болаларнинг кўшимча тиббий текширув ва жироҳлик харажатлари Давлат тиббий сўғурта жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Рухий ҳолатида бузилишлари мавжуд I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳам 2026 йил давомида босқичма-босқич янги ижтимоий хизматлар ташкил қилинади. “Янги кун” кундузги қараб туриш хизмати, уй шароитида қараб туриш хизмати, жироҳлик “Мадад” уйи хизмати ва “Ижтимоий таътил” қисқа муддатли жойлаштириш хизмати шакллантирилади. Бу хизматлар қараб туриш ва парвариш қилиш, кундалик ҳаёт кўникмаларини шакллантириш, маиший ишларга ўргатиш, касб ва молиявий ҳисоб-китоб кўникмаларини ривожлантириш орқали оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлади.

Янги хизматлар давлат-хусусий

шериклик асосида малакага эга бўлган ва зарур талабларга жавоб берадиган нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилади. Бу орқали 2026 йилда 8,3 минг нафар руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд шахсларни янги хизматлар билан қамраб олиш, 600 тагача нодавлат ташкилот ва яққа тартибдаги тадбиркорнинг ижтимоий хизмат кўрсатишга жалб этиш режалаштирилган. Янги хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан субсидия шаклида қоплаб берилади.

Шу билан бирга, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб 18 ёшдан катта чуқур даражадаги ақлий заифлик ташхиси қўйилган шахсларнинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакиллар учун ҳар ойлик янги парваришлар нафақаси йўлга қўйилади.

Уз навбатида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ваколатлари ҳам кенгайтирилади. 2026 йил 1 июндан бошлаб уларнинг ходимлари туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вазирлик ва ҳимийлик комиссиялари таркибига киритилади. Шунингдек, руҳий ҳолатида бузилишлари мавжуд шахсларга тайинланган вазир ва ҳимийлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши, ушбу шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, мол-мулкнинг муҳофазаси, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари мунтазам мониторинг қилиб борилади.

Интернет муассасаларини трансформация қилишга доир таклифлар эса алоҳида диққатга молик. Уларга кўра, эндиликда “Мурувват” интернат уйлари босқичма-босқич “Ғамхўрлик” марказларига айлантирилади. Аниқроғи, мазкур муассасалар асосан тиббий-ижтимоий эмас, балки ижтимоий ёндашув асосида ишлайдиган, шахсни жамиятга мослаштиришга қаратилган марказлар сифатида фаолият юритади. У ерда яшовчиларни спорт, ижодий, эрготерапия, меҳнат ва ижтимоий-маънавий терапияга жалб қилиш, “мураббий кузатувида” ҳаёт

кўникмаларни шакллантириш, оилавий муҳитга яқин кичик ҳажмли уйлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, шахсни ногиронлик белгиси бўйича камситиш учун жавобгарликни қучайтириш, суд қарорларини ногиронлиги бўлган шахслар учун мақбул шаклда тақдим этиш, ижтимоий хизмат ва кафолатларни ягона Ижтимоий реестр асосида манзилли йўналтириш билан боғлиқ қонунчилик ташаббуслари айна ҳаётий заруратдир.

Ижтимоий ҳимоя соҳасида тобора оммалашиб бораётган янги йўналиш – кундузги парвариш хизматларини янада ривожлантириш таклифлари ҳам партияимиз электорати манфаатларига мос. Айтайлик, 3-18 ёшгача ногирон фарзандини кундузги парвариш хизматида берган ота-оналар учун ушбу хизматга ҳар ойда тўланадиган 3 миллион сўмгача бўлган маблағни даромад солиғидан, давлат-хусусий шериклик асосида ногирон болаларга кундузги парвариш хизматини кўрсатаётган тадбиркорларни эса 2030 йилгача солиқлардан озод қилиш кўзда тутилаётгани кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди.

Бугунги кунда юртимизда 396 та тадбиркор томонидан кундузги парвариш масканлари очилган бўлиб, уларда 4,4 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган болага хизмат кўрсатилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган аёлларни алоҳида муҳофаза қилиш, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси асосида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш хизматларини кўрсатиш ва реал натижа бўйича тезкор ахборот алмашиш тартибини жорий этиш масаласи илгари сурилди. Бундай чора-тадбирлар пировардида опа-сингилларнинг оилада ва жамиятда хавфсизлигини, кадр-қимматини таъминлашга хизмат қилади.

Ф. ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.

СЎРОВ, ЖАВОБ ВА НАТИЖА

Қонунчилигимизга кўра, депутат сўрови – бу депутатнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби кўрсатилган мурожаати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бундан бўён депутат сўровлари ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилиши қайд этилди. Мана шу асосларнинг ўзи жамиятимиз тараққиётида ва муайян муаммоларни ҳал этишда муҳим восита бўлган депутатлик сўрови институтининг аҳамияти ошиб бораётганини кўрсатади.

Бугун одамларимиз катта гаплар ва ваъдаларни эмас, оддий ҳаётнинг муаммоларининг ҳал бўлишини, ислохотлар амалда бўй кўрсатишини кутади. Айтайлик, маҳалладаги йўл текис-равон бўлса, ишга, ўқишга, умуман, манзилимизга хавфсиз етиб борамиз. Сув тоза бўлса, соғлом яшаймиз. Иш ўрни бўлса, даромадимиз бўлади. Шифохонадаги муаммолар ечилса, бизга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ошади.

Шу каби оддий эҳтиёжлар аслида жамиятнинг энг катта масалалари ҳисобланади. Депутатлик сўрови ана шундай муаммоларни мутасаддиларга олиб чиқадиган, уни ҳал қиладиган овоз, десак тўғри бўлади.

Шу маънода, ҳар бир сўров ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди ётади. Баъзида сўровда кўтарилган битта масала бутун бир маҳалланинг ҳаётини ўзгариради.

Халқ демократик партиясининг барча даражадаги депутатлари ўз фаолиятида депутатлик сўрови институтидан кенг фойдаланмоқда. Халқ вакилларининг айтишича, сўровлар орқали олинган маълумотлар депутатларга стратегия қарорлар қабул қилишда асос бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда фуқароларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш имконини беради. Ҳақиқий хизмат аслида одамларнинг кундалик таъшишини енгиллаштиришдан бошланади.

Маълум бўлишича, жорий йилнинг биринчи чорагида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан жами 1340 та депутатлик сўровлари юборилиб, уларнинг 821 тасига жавоб олинди.

Кўришиб турибдики, натижалар ёмон эмас, сўровларнинг сони ҳам. Аммо қозғоғдаги сўров эмас, ҳаётдаги натижа муҳимроқ. Ҳисобот кўпайиши эмас, муаммо камайиши ҳақиқий кўрсаткич

аслида. Чунки одамлар ёзилган гапни эмас, ўз кўзи билан кўрган ўзгаришни эслаб қолади.

Албатта, сўров юбориш бу ишнинг бошланғич, ечим билан яқунлаш ҳақиқий масъулиятдир. Шунинг учун ҳар бир депутат сўрови ортидан натижани сўраш, назорат қилиш ва охиригача етказиш муҳим. Депутатлик сўровлари ҳақида гапирганда, муҳим бир савол туғилади: бу сўровлар қозғоғда қолиб кетмаётгани, ҳаётда натижа бериётгани?

Келинг, буни айрим ҳудудлар мисолида кўриб чиқамиз.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Хоразм вилоятида депутат сўрови институтидан самарали фойдаланилмоқда. Бу бир томондан маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўз ваколатларидан тўғри ва унумли фойдаланаётганини кўрсатса, иккинчи томондан ҳудуддаги корхона ва ташкилотларнинг мазкур институтга масъулият билан ёндашаётганини ифода этади. Масалан, сайловчилардан келиб тушган мурожаатлар асосида Урганч туманидаги “Тадқиқотчилар” маҳалласида жойлашган Зилол кўчасининг 385 метр қисмини асфальт қилиш масаласи халқ депутатлари туман Кенгаши депутати З.Саидниёзова томонидан жойига чиқиб ўрганилди.

Мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида депутат томонидан туман ҳокимига сўров юборилди. Кўп ўтмай масала халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида атрофича кўриб чиқилиб, асфальт қилиш ишлари бошлаб бўлди. Бу, албатта, маҳалла аҳолиси учун қулай шароитлар яратиш, йўл инфратузилмасини яхшилаш ҳамда фуқаролар мурожаатларига амалий ечим топиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Шунингдек, халқ депутатлари Гурлан туман Кенгаши депутати Ш.Худаяров, томонидан Гурлан шаҳарчаси

СУВДАН БЕКАТГАЧА...



“Нуробод”, “Янгибоғ”, “Гулшан” ва “Боғишамол” маҳаллалари ҳудудидан ўтувчи “Хизир эли” канали ҳолати юзасидан туман “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ раҳбарига депутат сўрови юборилган эди. Аҳоли мурожаатида каналнинг айрим қисмлари кўмилиб қолганлиги сабабли баҳор-ёз мавсумида сув ўтишида муаммолар юзага келаётгани билдирилган. Ҳозирги кунда эса канал бўйлаб қазिश ҳамда тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Бу каналнинг сув ўтказувчанлиги яхшиланиб, ҳудуддаги сўғориш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Депутатлик сўрови аҳолини ташвишга солаётган қатор муаммолар ечимида муҳим ҳуқуқий восита бўлаётганлигини Фарғона вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Халқ депутатлари Қува туман Кенгашидаги депутатимиз Облоберди Олимов “Кандабулоқ” маҳалласи ҳудудидида инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда “Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш учун битта трансформатор ва 12 та бетон устун ажратилгани, лекин баъзи сабабларга кўра улар амалда ўрнатилмагани маълум бўлди. Албатта, бу ҳолат ҳудуддаги электр таъминоти ва инфратузилма барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган эди. О. Олимов ушбу масалада туман

ҳокими ўринбосари М.Акбаровга депутатлик сўрови юборди. Сўровга келган жавоб хатида эса туман ҳокимлиги томонидан ишчи гуруҳ тузилиб, ҳолат ўрганилгани ҳамда ушбу камчилик жорий йилнинг 2-чораги якунигача бартараф этилиши баён қилинган.

Халқ депутатлари Бағдод тумани Кенгашидаги депутатимиз С.Эгамназарова “Чексарой” ва “Чектувадоқ” қўчаси ҳамда “Чектувадоқ” қишлоғининг “Дўстлик” кўчасини кесиб ўтувчи йўл остидаги қувурлар тўлиқ тозаланди. Шунингдек, фойдаланиш муддати ўтган ва эскирган қувурлар янги сизга алмаштирилди.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз томонидан депутатлик сўрови асосида амалга оширилаётган бундай ишларни республикамизнинг бошқа ҳудудлари мисолида ҳам давом эттириш мумкин.

Жумладан, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Кенгаши депутати Донохон Маҳмудова томонидан туман ҳокимининг қўрилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш йўналишлари бўйича ўринбосари

ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар номига юборган депутат сўрови натижасида ҳудуддаги “Байналминал” кўчасида қисқа муддат ичида замонавий автобус бекати ўрнатилди. Бу орқали аҳоли ҳамда ташриф буюрувчилар учун жамоат транспортидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратилди.

Халқ депутатлари Андижон туман Кенгаши депутати Абдулхалиф Абдиманнопов томонидан эса “Қорақалпоқ” маҳалласининг “Ифтихор” кўчасидаги ички йўл ҳолати юзасидан депутат сўрови юборилди. Унда йўлда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари чўзилиб кетгани, бу эса транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати учун ноқулайлик ва хавф туғдираётгани қайд этилди. Сўровда таъмирлаш ишларини қисқа муддатларда яқунлаш чораларини кўриш муҳимлиги таъкидланди. Натижада ушбу йўлда Андижон туман йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси томонидан олиб борилаётган таъмирлаш ишлари тезлик билан яқунланди.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати, партияимиз вилоят кенгаши раиси Алишер Пардаевнинг Бойсун туман ҳокимига йўллаган депутатлик сўрови асосида “Пулқоқим” маҳалласида кўча кутубхона фаолият юритадиган бўлди. Энг муҳими, бу юзлаб болаларни китобга ошно қилиб, билим – савиясини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Депутатлик сўрови оддий расмий ҳужжат эмас, балки жамиятдаги ҳақиқий эҳтиёж ва муаммоларнинг акс-садосидир. У орқали аҳолининг дарди, талаб ва таклифлари давлат идораларига етказилади.

Энг муҳими, бу сўровларнинг аҳамияти фақат муаммони кўтаришда эмас, балки унинг ечимини топишга қаратилганида намоён бўлади. Масалалар ўз вақтида ва самарали ҳал этилса, одамларнинг оғири енгил бўлади, жамиятда адолат ва барқарорлик мустаҳкамланади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

НАТИЖАЛАР ФАКТ ВА РАҚАМЛАРДА (ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ)

● Фракция аъзоларининг алоҳида ташаббуси билан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган 1 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасига киритилди. Бошқа фракциялар билан биргаликда 8 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритишда ҳамташаббускор бўлдилар.

● 3 та «Парламент эшитуви» ва 3 та «Ҳукумат соати» ўтказилди ҳамда 2 та парламент сўрови юборилди.

● Аҳоли муурожаатлари ҳамда жойлардаги учрашуларда кўтарилган масалалар, сайлов округларидаги ўрганишларда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича асосланган тушунтириш бериш ёки нуқтан назарини баён қилиш талаби билан мансабдор шахсларга 28 та депутат сўрови юборилди.

● Сайлов округларида 1095 маротаба учрашув ўтказилиб, жами 755 та хонадонга ташриф буюрилди. Уларда 39 620 нафар фуқаро, шу жумладан, 2900 нафар тадбиркор билан тўғридан-тўғри мулоқотлар ташкил этилди ҳамда 1000 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларининг фаолияти билан танишилди.

● Фуқаролардан жами 463 та муурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 141 тасига ижобий ечим топилди, қолган муурожаатлар кўриб чиқиш учун тегишли идоралар ва ташкилотларга юборилди.

● Фракция аъзоларининг ташаббуси ва қўмтагалар билан ҳамкорликда жами 21 та тадбир ташкил этилди. Бундан ташқари, жами 53 маротаба фракция йиғилиши ўтказилиб, уларда 379 та масала кўриб чиқилди.

● Лойиҳалар доирасида фракция аъзолари ҳамда партия ходимлари томонидан 200 дан ортиқ ҳудудга ташриф буюрилиб, 90 240 нафардан зиёд сайловчи билан учрашилди. Шу билан бирга уйма-уй юриш натижасида 9 504 нафар ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган 4 265 нафар аҳоли вакиллари билан мулоқот қилинди. 12 та «Мурувват» ва 4 та «Саховат» интернет уйларида мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш юзасидан зарур чоралар кўрилди.

● Фракция фаолияти барча турдаги оммавий ахборот воситаларида жами 9 867 маротаба ёритилди. Жумладан, телевиденида 252 маротаба, радиода 119 маротаба, босма нашрларда 139 маротаба чиқиш қилинди, интернет сайтларида 1125, ижтимоий тармоқларда 8 232 та материал жойланди.

ҚАТЪИЙ СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯ, ЭЛЕКТОРАТ ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Пленумни партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов очиб берди.

Давлат раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Муурожаатномасида кейинги йиллардаги изчил тараққиёт йўлининг улкан натижалари аниқ рақамлар асосида таҳлил қилингани, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий хизматлар, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш йўналишларида мутлақо янги тизим шаклланиши алоҳида таъкидланди.

Хусусан, 2025 йилда 5 миллион нафар аҳолининг даромад манбалари кенгайтирилди, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга камайди. Қарийб 1,5 миллион нафар фуқаро камбағалликдан чиқарилди. Камбағаллик даражасининг 8,9 фоиздан 5,8 фоизга пасайгани манзилли ёндашув, изчил меҳнат ва қатъий назоратга асосланган сиёсатнинг амалий натижаси экани қайд этилди.

Энг муҳими, бу рақамлар ортида минглаб инсонлар тақдири, оила фаровонлиги, келажакка ишонч турибди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун инсон манфаатлари ва ижтимоий ҳимоя устувор йўналиш бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Президент томонидан белгиланган устувор вазифалар, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадлар партияимиз дастурий ғоя ва позициялари билан тўлиқ ҳамохангидир.

Бу нафақат умуммиллий мақсадлар, балки партияимиз электорати манфаатларини таъминлашга қаратилган аниқ амалий йўналиш экани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, кўзланган натижаларга эришиш бутун партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси зиммасига катта масъулият юклаши, ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиш зарурлиги билдирилди.

– Жорий йилда камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 3,5 мингга етказиш, 1 миллион нафар фуқарони доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш сингари долзарб вазифалар белгилангани қонун ижодкорлиги ва уларнинг ижросини ўрганиш, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, муурожаатлар билан ишлаш, ижтимоий лойиҳалар ўтказиш йўналишларида тизимли ёндашувларни тақозо этади, – деди партия етакчиси.

Шунингдек, пленумда депутатларнинг «Ташаббусли бюджет» жараёнларида етарли овоз тўпламаган лойиҳаларни ғолиб деб топши, маҳаллаларда яшил ҳудудлар, боғ ва жамоат паркларини барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларидан сайловчилар ва партия электорати манфаатлари йўлида доимий унумли фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, бундай лойиҳалар нафақат экологик муҳитни яхшилаш, балки аҳолининг дам олиш шароитларини кенгайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ҳудудларнинг жозибдорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу маънода, депутатлардан «Ташаббусли бюджет» доирасидаги барча имкониятлардан доимий ва унумли фойдаланиб, сайловчилар ҳамда партия электорати манфаатларини тизимли равишда ҳимоя қилиш талаб этилади. Бу эса нафақат лойиҳаларни илгари суриш, балки уларнинг амалга оширилиши устидан самарали назорат ўрнатиш, натижадорликни таъминлаш ва аҳоли билан доимий мулоқотни йўлга қўйишни ҳам тақозо этади.

Пленумда партия 10 та устувор йўналишдан иборат Сайловолди дастурини амалга оширишга қаратилган Ҳаракат дастури ижроси ҳам таҳлилий-танқидий кўриб чиқилди.

Таъкидландики, бугунги кунда белгиланган 121 та устувор вазифанинг

39 таси амалда ўз ижобий ифодасини топди.

Жумладан, 22 та вазифа маъерий-ҳуқуқий тартибга солиш даражасида ҳал қилинди, 8 та вазифа ҳуқуқат қарорлари доирасида амалга оширилди. Қолган вазифалар эса босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бу натижалар, энг аввало, партияимиз томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг амалий аҳамиятга эга эканини, улар ҳаёт билан уйғун ва халқ манфаатларига хизмат қилаётганини кўрсатади.

Пленумда, шунингдек, эришилган ютуқлар билан бирга, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Чунки ҳар бир натижа ортида таҳлил, ҳар бир таҳлил ортида эса янада мукамал ишлашга интилиш ётади. Муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш келгусида янада самарали фаолият олиб боришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Аввало, партиянинг юқори органлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда талабчанлик ва самарали назорат етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Айрим ҳудудий кенгашлар томонидан электорат манфаатлари билан боғлиқ долзарб масалаларни ўрганиш, уларни очик муҳокама қилиш ва қатъий сиёсий позиция билдиришда етарли ташаббус кўрсатилмаган.

Назорат ва талабчанликнинг етарли бўлмагани сабабли юборилган 593 та депутатлик сўровининг 156 тасига ҳозирга қадар жавоб олинмагани жиддий хулоса чиқаришни талаб этади.

Бу шунчаки статистика эмас, назорат механизми етарли ишламаётганини кўрсатадиган жиддий сигналдир.

Шунингдек, айрим сиёсий тадбирларда партиянинг аниқ ва қатъий сиёсий позицияси етарли даражада намоён этилмаган, улар



мазмун ва формат жиҳатдан замон талабларига тўлиқ жавоб бермагани ҳам кузатилди.

Албатта, бугунги кунда парламент фаолиятида партияларнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнида уларнинг дастурий мақсадларини тўлиқ ва изчил ифода этиш устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Шу маънода Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси қонун ижодкорлиги жараёнида партия дастурий мақсадларини ифода этиш бўйича тизимли иш олиб бормоқда, шу билан бирга, жамиятда содир бўлаётган муҳим воқеа-ҳодисалар, тўғридан-тўғри электорат манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий масалаларда фракция аъзолари шахсий ташаббус ва позиция кўрсатиши талаб этилмоқда.

Жорий йилда ҳар бир масъул ўз фаолиятига танқидий баҳо берган ҳолда, зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ ва юксак масъулият билан бажариши шартлиги айтилди.

Қайд этилдики, стратегик ҳужжатларда белгиланган устувор йўналишлар, замон талаблари, глобал ўзгаришлар ҳамда жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда партия фаолияти изчил такомиллаштирилмоқда.

Хусусан, партия иш режаси қайта кўриб чиқилиб, замонга мос равишда янгилади, фракция фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2026 йил учун аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмалари фаолияти Сайловолди дастури ижросига йўналтирилиб, уларга 2026 йил учун устувор вазифалар белгилаб берилди.

Пленумда кун тартибидеги масалалар юзасидан сенаторлар, депутатлар, партия ҳудудий кенгашлари раислари ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб, тақлифларини билдирди. Шулар асосида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор вазифалари белгиланган устувор йўналишлар, глобал ўзгаришлар ва жамият эҳтиёжларидан келиб чиқилди.

Парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали Давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижросини бандма-банд кузатиб бориш зарур. Чунки қабул қилинган қарорлар қоғозда эмас, амалда ўз натижасини кўрсатиши керак — бу эса доимий назорат ва масъулиятни талаб қилади.

Шу билан бирга, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш жараёнида ҳар бир депутат фаол ва ташаббускор бўлиши муҳим. Қонунлар фақат қабул қилиниши билан эмас, балки инсонлар ҳаётини энгиллаштириши,

““

ХУСУСАН, ПАРТИЯ ИШ РЕЖАСИ ҚАЙТА КўРИБ ЧИҚИЛИБ, ЗАМОНГА МОС РАВИШДА ЯНГИЛАДИ, ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА 2026 ЙИЛ УЧУН АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА ЙўНАЛТИРИЛИБ, УЛАРГА 2026 ЙИЛ УЧУН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ.

муаммоларга ечим бўлиши билан кадрли. Шунинг учун уларни такомиллаштиришда бефарқликка ўрин йўқ. Депутатларнинг жойлардаги реал ҳолатни чуқур ўрганиши, аҳолини қийнаётган муаммоларни очик кўтариб чиқиши ва уларнинг ечими бўйича қатъий кўрсатиши ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки одамлар депутатни фақат минбарда эмас, балки ўз ёнида — муаммосини тинглайдиган, ечим излайдиган ва натижага эришадиган инсон сифатида кўришни истаيدди.

Шунингдек, жамоатчилик муҳокамалари ва эшитувларини мунтазам ташкил этиш орқали аҳолининг фикрини эшитиш, уларни қарор қабул қилиш жараёнига жалб этиш мумкин. Бу эса ишонччи мустақамлайди, очиклик ва шаффофликни таъминлайди. Қисқаси, депутат фаолияти фақат расмий йиғилишлар билан чекланиб қолмаслиги керак. У одамлар дардини ҳис қиладиган, улар билан бирга яшайдиган ва амалий ечимлар тақлиф қиладиган етакчи бўлиши лозим. Шундагина қонунлар ҳам, қарорлар ҳам ҳақиқий ҳаётга хизмат қилади.

Пленум якунида муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

МАНФААТЛАРИ ВА СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАР IV ПЛЕНУМИДА ҚИЗГИН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



“

УМУМАН ОЛГАНДА, ПАРТИЯМИЗНИНГ АМАЛИЙ ИШЛАРИ ВА ЭРИШИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАРИ ИЗЧИЛ РАВИШДА ОРТИБ БОРМОҚДА. БУ ЭСА ФАОЛИЯТНИНГ ФАҚАТ РЕЖАЛАР БИЛАН УЛАРНИНГ ҚОЛМАЁТГАНИ, БАЛКИ УЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАЁТГАНИНИ КЎРСАТАДИ.



ПЛЕНУМДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАР РАИСЛАРИ, ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛДИРИШДИ.



Улуғбек ВАФОБЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

– Бизнинг энг катта кучимиз, олдимишга қўйган мақсадларимизга эришишдаги энг муҳим таянчимиз – бу депутатларимиздир.

Айтиш керакки, партиямиз Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, депутатлик бирлашмаларининг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижроси доирасида салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, жойлардаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган 5 612 та депутатлик сўрови юборилди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу сўровларнинг 4149 таси, яъни 74 фоизи ижобий ҳал этилди. Бу қуруқ рақам эмас, балки минглаб одамларнинг мушқули осон бўлди, деганидир.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларда мансабдор шахсларнинг 1225 маротаба ҳисоботи эшитилди. Депутатларимиз асосий эътиборни аҳолини қийнаётган тизимли муаммоларга – уй-жойлар қурилиши, банклар томонидан рухсатсиз маблағ ечиб олиш, уй-жой коммунал хизматлари сифати ва тиббий хизмат ҳолатига қаратишди.

Ҳисобот даврида Халқ демократик партиясининг Жамоатчилик қабулхоналари орқали фуқаролар билан доимий ва тизимли мулоқотни йўлга қўйиш бўйича кўламли ишлар амалга оширилди. Республика бўйича Жамоатчилик қабулхоналаримизга фуқаролардан жами 17 385 та мурожаат келиб тушди. Эътиборлиси, депутатларимиз ва фаолларимизнинг аралашуви билан ушбу мурожаатларнинг 15 655 таси, яъни 90 фоизи ижобий ҳал этилди. Мурожаатларнинг аксарияти, яъни 3 284 таси коммунал соҳа, 2 438 таси бандлик ва 2 053 таси турли ижтимоий масалаларга тўғри келади.

Бу рақамлар бир томондан партиямиз халққа яқин кўмакчига айланиб бораётганидан далолат берса, иккинчи томондан келгусида фуқароларимизни қийнаётган қайси муаммолар ечимига янада кўпроқ эътибор қаратишимиз лозимлигини кўрсатиб бермоқда.

Яна бир муҳим ютуқларимиздан бири, ўтган йилда янги аъзолар қабул қилиш бўйича партиямиз тарихидаги энг катта ўсишга эришдик. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2025 йил 1 январь ҳолатига партиа аъзолари сони 756 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2026 йил 1 январга келиб бу кўрсаткич 1 миллион 291 минг нафарга етди. Яъни бир йилнинг ўзиде сафимиз 535 минг нафарга кўпайиб, 71 фоизга ўсди. Алоҳида таъкидламоқчиман, партиямиз тарихида қисқа муддат ичидаги бундай ўсиш ҳеч қачон бўлмаган.

Бу шунчаки сон эмас, бу сифат кўрсаткичи ҳамдир. Аъзоларимиз орасида ёшлар улуши 39 фоизга, хотин-қизлар улуши эса 50 фоизга етди.

Таъкидлаш лозимки, бундай сифат ўзгариши нафақат аъзоларимиз сониде акс этмоқда, балки партиямизнинг кадрлар сиёсатида ҳам ўз натижасини бермоқда.

Ҳисобот даврида замон талабидан келиб чиқиб, биз кабинетда ўтирадиган партиа эмаслигимизни кўрсатиб, халқ ичига кириб бордик. "Депутат маҳаллада", "Кувонч ва меҳр улашайлик", "Саломатлик акцияси" каби 10 дан ортиқ лойиҳалар доирасида 165 мингдан зиёд ҳамюртларимизни қамраб олдик.

Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш устувор

вазифамиз бўлди. 8 701 нафар имконияти чекланган фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилиниб, 610 та хонадонга бевосита ташриф буюрилди ва моддий ёрдам кўрсатилди. Тиббий акцияларимиз давомиде 28 997 нафар фуқаро бепул кўрикдан ўтказилди. Бу реал ёрдам, реал ғамхўрликдир.

Умуман олганда, партиямизнинг амалий ишлари ва эришилаётган ютуқлар изчил равишда ортиб бормоқда. Бу эса фаолиятнинг фақат режалар билан чекланиб қолмаётгани, балки уларнинг самарали ижроси таъминланаётганини кўрсатади.

Албатта, эришилган натижалар қанчалик муҳим бўлмасин, олдимишдаги вазифалар ҳам шунчалик масъулиятли ва кенг қамровли экани барчага аён. Шу боис, партиа фаолиятини янада такомиллаштириш, самарадорликни ошириш ва халқ ишончини мустаҳкамлаш доимий устувор йўналиш бўлиб қолади.



Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси:

– Пленум кун тартибидеги муҳим масалалар юзасидан маъруза ва ҳисоботларни тингладик. Уларда партиямиз фаолиятининг натижалари билан бирга, мавжуд камчиликлар ҳам очиқ кўрсатиб берилди. Бу — биз учун жиддий хулоса чиқариш ва иш услубимизни қайта кўриб чиқиш зарурлигини аниқлатади.

Шу нуқтаи назардан, партиа гуруҳлари фаолияти ҳамда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш масалаларига алоҳида тўхталмоқчиман.

Очигини айтиш керак, бугунги кунда партиа гуруҳларининг имкониятлари тўлиқ ишга солинмаяпти. Жойлардаги муаммоларни ҳал этишда етарли ташаббускорлик кўринмаяпти.

Ваҳоланки, партиа гуруҳлари маҳаллий Кенгашларда партиа сиёсатини амалга оширадиган асосий кучдир. Уларнинг фаоллиги партиа нуфузи ва таъсирчанлигининг энг муҳим кўрсаткичидир.

Қорақалпоғистон Республикаси мисолида айтадиган бўлсак, ўтган даврда Жўқорғи Кенгесдаги фракциямиз ва партиа гуруҳлари томонидан электротат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор долзарб масалалар кўтариб чиқилди.

Хусусан, Ҳаракат дастури доирасида 128 та масала ўрганилиб, партиа гуруҳлари ҳамда доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилинди. Уларнинг 126 таси сессия кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Бу, албатта, ҳаракатлар натижаси. Лекин биз бундан қаноатланиб қолмаслигимиз керак. Камчиликлар ўз-ўзидан бартараф этилмайди. Халқ ишончи эса фақат амалий натижалар орқали қозонилади.

Шунинг учун партиа гуруҳлари фаолиятини аниқ натижага йўналтиришимиз, депутатлик назоратини кучайтириш, ҳар бир муаммо бўйича масъул идоралардан аниқ ечим талаб қилишимиз лозим.

Шу билан бирга, партиа гуруҳлари ва Жамоатчилик қабулхоналари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш орқали муаммоларни тизимли ҳал этишга

эришишимиз зарур.

Бугунги пленумда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикасида ушбу йўналишда ишларни кучайтириш бўйича аниқ чораларни белгилаб оламиз.

Энг аввало, депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, ҳудудимиз учун долзарб бўлган экологик ва ижтимоий масалалар бўйича партианинг қатъий ва принципап позициясини намоён этамиз.



Иба НАРИЗОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Қонун ижодкорлиги жараёнида, энг аввало, сифат ва профессионализм тамойили устувор аҳамият касб этиши лозим. Бу йўналишда фаолият юриштиш нафақат ташаббус билан чиқиш, балки чуқур таҳлил ва юқори экспертлик салоҳиятига эга бўлган куч сифатида шаклланиши талаб этади. Шу мақсадда депутатларнинг таҳлилий кўникмаларини мустаҳкамлаш, айниқса, ижтимоий соҳадаги қонунчиликни тизимли инвентаризация қилиш, зиддиятли нормаларни бартараф этиш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқларни қисқартиришга қаратилган амалий қонунчилик ташаббусларини илгартириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Қонун лойиҳаларининг халқчиллиги ва инклюзивлигини таъминлаш ҳам бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

“

ҲИСОБОТ ДАВРИДА ЗАМОН ТАЛАБИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, БИЗ КАБИНЕТДА ЎТИРАДИГАН ПАРТИА ЭМАСЛИГИМИЗНИ КЎРСАТИБ, ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ БОРДИК. "ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА", "ҚУВОНЧ ВА МЕҲР УЛАШАЙЛИК", "САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ" КАБИ 10 ДАН ОРТИҚ ЛОЙИҲАЛАР ДОИРАСИДА 165 МИНГДАН ЗИЁД ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ ҚАМРАБ ОЛДИК.

Амалиётда таклифлар кўп ҳолларда муҳокаманинг сўнги босқичларида келиб тушаётгани уларни тўлиқ ва сифатли инobatга олиш имкониятини чекламоқда. Шу боис, марказ, вилоят ва туман даражаларидаги ўзаро алоқаларни самарали ташкил этиш, партиа гуруҳлари, фаоллар ҳамда электротат билан узлуксиз ва тезкор ахборот алмашувини йўлга қўйиш қонун ижодкорлигининг янада очиқ ва натижадор бўлишига хизмат қилади.

Парламент назорати эса фақат камчиликларни аниқлаш воситаси эмас, балки аниқ натижага эришишга қаратилган таъсирчан механизм бўлиши керак.

Шу нуқтаи назардан, ижро ҳоқимияти устидан амалга ошириладиган назорат тизимли, изчил ва самарали бўлиб, ҳар бир депутатлик сўрови ва ўрганишлар ижрочилар учун реал масъулият ҳамда ҳисобдорлик мезонига айланиши лозим.

Шу билан бирга, партиа фаолиятининг энг муҳим мақсади халқ ҳаётини яхшилаш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш ва аҳоли учун янги имкониятлар яратишдан иборат бўлиб қолади. Айниқса, ижтимоий заиф қатламларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни меҳнат бозорига самарали интеграция қилиш ҳамда тадбиркорликка жалб этиш бўйича янги, амалий ва соддаштирилган механизмларни жорий этиш бу йўналишдаги устувор вазифалардан саналади.



Ғанишер ЖЎРАЕВ,
ЎзХДП Уйчи туман кенгаши раиси:

– Белгилаб берилган вазифалар биз — жойлардаги Кенгаш раислари учун нафақат хулоса чиқариш, балки иш услубимизни тубдан ўзгартириш учун асос бўлиши керак.

Зеро, партиямизнинг марказдаги ютуқлари ёки парламентдаги ташаббусларининг реал самараси, энг аввало, туман ва шаҳар кенгашларининг халқ ичига қай даражада кириб борганимиз билан ўлчанади. Маҳалладаги оддий сайловчи партиямизни марказий идорага қараб эмас, балки қўйи бўғиннинг, яъни бизнинг фаолиятимизга қараб баҳолайди.

Шу боис, биз ўз фаолиятимизга нафақат ижрочи, балки ташаббускор сифатида ёндашиб, талабчанликни кучайтиришимиз шарт. Бунда маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни реал натижа берадиган шериклик даражасига кўтаришимиз лозим.

Партиявий фаолиятимизда ажралиб турадиган муҳим йўналишга эътиборни қаратмоқчиман.

Бу аъзолар билан ишлашда "Сон эмас, сифат" тамойили асосида фаолият олиб бориш. Бизга партиа мафқурасига чин дилдан ишонадиган, ташаббускор сафдошлар керак. Бу жараёнда бошланғич партиа ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутди. Партиянинг обрўси ва жамиятдаги таъсири айнан шу "кичик бўғин"да шаклланади.

Уйчи тумани тажрибаси мисолида гапирадиган бўлсам, бугунги кунда туманимизда 7700 нафар аъзо 68 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Биз учун қувонарлиси — сафаримизда очиклик ва танқидий ёндашув кучайиб бормоқда. Бу ижобий ўзгаришларни тизимли давом эттириш учун бошланғич ташкилотлар билан ишлашнинг янги, замонавий механизмларини жорий этамиз.

Шунингдек, туманимизда 3 нафар вилоят ва 6 нафар туман кенгаши депутатлари фаолият юритмоқда. Бу — бизнинг сиёсий капиталимиз ва халқ билан ишлашдаги асосий кучимиздир. Депутатлик назорати ва партиявий таъсир имкониятларидан фойдаланиб, жойлардаги энг оғриқли масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилишимиз.

Агар биз қўйи бўғинда ишни тўғри ташкил этсак, ҳамкорликни мустаҳкамласак ва ҳар бир аъзомизнинг овозини эшита олсак, партиямиз нафақат сиёсий майдонда, балки одамларнинг кундалик ҳаётида чинакам таянчга айланади.

Кўш саҳифани
"Ўзбекистон овози" муҳбири
Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ – ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА



▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, у мамлакатнинг жаҳон ҳамжамияти олдига обрўйи ва нуфузини оширувчи кучли омиллар қаторида туради.

Статистикага кўра, сўнгги саккиз йилда юртимизга келган сайёҳлар сони 6 баробар кўпайиб, қарийб 12 миллион нафарга етган. 2030 йилга қадар хорижий сайёҳлар сонини 20 миллионга, туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улушини эса 7 фоизга етказиш режалаштирилган.

Бундай аниқ ва дадил маррага эришиш йўлида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Умуман, Ўзбекистонда туризм саноатининг ривожланиш тенденцияси қандай? "Очиқ осмон остидаги музей" дея таъриф этилмиш, неча минг йиллик тарихга эга номдор шаҳарларимизда ҳайратланиб юрган сайёҳларга қараб, юртимизда мавжуд беқиёс туризм салоҳиятидан етарлича фойдаланилмайпти, десак, бирёқалама баҳо берган бўлмаймизми?

Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси раисининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси Шахбоз Саидханов билан сўхбатимиз давомида шу каби саволларимизга жавоб изладдик.

– Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг дунёга ўз эшикларини очиши самарасида туризм даромадли бизнес сифатида иқтисодиётимизнинг жадал ривожланаётган улкан сегментига айланди, – дейди Ш.Саидханов. – Айниқса, сўнгги саккиз-тўққиз йилда бу соҳада бутунлай янги даврни кузатиш мумкин.

Агар қарични кенгрок олиб қарасак, туризм бугунга келиб жаҳон миқёсида жозибадор соҳалардан бири ўларок шиддатли тараққий этмоқда. Ўтган йилнинг ўзида бутун дунё бўйлаб 1,5 миллиард киши саёҳат қилган ва соҳада даромад рекорд даражага, яъни 2,2 триллион АҚШ долларига етган. 2024 йилга қараганда халқаро туризм 4 фоизга ўсган. "БМТ Туризм" маълумотларида келтирилишича, соҳадаги ўсиш суръати пандемиядан олдинги даврга қайтган.

Очиги, бугун Ер юзининг ҳамма нуқтасида осойишталик, барқарорлик ҳукм суряпти, дея олмаймиз. Геоисий зиддиятлар, иқтисодий тебранишлар, урушлар, жиноятлар айрим давлатларда, минтақаларда сайёҳлик учун

реал хавф-хатарларни юзага келтирмоқда. Қизиғи, шундай шароитда ҳам дунё миқёсида сайёҳлар оқими камайгани йўқ.

Бунга сабаб, биринчидан, туризм саноатининг ўзгаришларга тез мослашиши, доимий янги йўналишларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, инсонлар учун саёҳат ҳаммиша маданий-маънавий эҳтиёж бўлиб келган. Ахир ўзининг янги манзилларни кашф этиш, у ернинг ўзига хос географияси, ўтмиши, унда яшовчи инсонларнинг туриш-турмуши, урф-одатлари билан танишиш – бари кишига ўзгача завқ беради. Шунинг учун ҳам одамлар ҳатто инқироз пайтида ҳам саёҳатдан воз кечишни истамайдилар.

Қолаверса, рақамли технологияларнинг соҳага кенг кириб келаётгани харажатларни камайтириб, саёҳат қилишни тобора қулайлаштирмоқда, туристик хизматлардан фойдаланишни осонлаштирмоқда.

Мамлакатимизда туризм индустриясининг янги босқичга чиқаётганини яна бир ҳал қилувчи сабаб – Янги Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсати билан боғласак, ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, ҳозирги пайтда визасиз режимнинг 90 дан ортиқ давлат фуқаролари учун амал қилаётгани, юксак талабларга жавоб берадиган меҳмонхона тизимлари шаклланаётгани, аэропорт ва транспорт хизматларининг яхшиланаётгани туристлар оқими йил сайин ошишига туртки бермоқда.

– Ўзбекистонга таширф буюраётган хорижий сайёҳлар сонига ўсиш суръати қандай? Келин, буни мамлакатлар ва ёшлар кесимида кўриб чиқсак.

– 2025 йилнинг январь-декабрь ойларида юртимизга 11,7 миллион нафар хорижий сайёҳ таширф буюрди (2024 йилга нисбатан 4,5 миллион кишига ошган). Уларга 4,8 миллиард АҚШ доллари миқдорда туризм хизматлари экспорти кўрсатилди.

Яқин ўн йилликка назар ташласак, бир пайтлар Ўзбекистонга саёҳат учун келган чет эллик фуқаролар сони 2–3 миллионлик рақам билан кўрсатилар эди. Энди эса 10 миллионлик маррадан ошганига доир фактнинг ўзиёқ жаҳон майдонида Ўзбекистонга қизиқиш, интилиш ортиб бораётгани ва шунга мутаносиб равишда туризм соҳаси раванқ топаётганидан далолат беради.

Мамлакатлар ва ёшлар кесимида кўрганимизда ҳам янги, таъкидлаш керакки, кўнгилни кўтарадиган ўзгаришларга дуч келамиз.

Хорижий сайёҳларнинг салмоқли қисми аъъанавий тарзда кўшни давлатлардан келиши барчага маълум. Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон бу рўйхатда етакчи ўринларни сақлаб қолмоқда. Россиядан, Афғонистондан, Туркменистондан таширф буюраётган сайёҳлар сонига ҳам ўсишни кўрамиз. Бунга параллел равишда хорижий сайёҳлар географияси янада кенгайиб бораётгани қувонарли. Хусусан, Хитойдан 2024 йилга нисбатан 3,7 баробар, Австралия ва Япониядан 1,5 баробар, Франция, Канада ва Малайзиядан 1,3 баробар, АҚШ, Испания, Туркия, Польша ва Нидерландиядан 1,2 баробар, Германия, Италия, Жанубий Корея ва Ҳиндистондан 1,1 баробар кўп сайёҳлар ўлкамизга келган. Умуман олганда, 2025 йилда Ўзбекистон 200 га яқин давлатдан

таширф буюрувчиларни қабул қилди

Хорижий меҳмонларнинг асосий қисмини 31–55 ёшдагилар ташкил этди. Кўпчилигимиз хорижий сайёҳларнинг умумий портрети ҳақида сўз борганда, асосан пенсия ёшига етган кексаларни кўз ўнгимизга келтирамиз, лекин, кўряпмизки, юртимизга зўр иштиёқ билан таширф буюраётган сайёҳлар ёшариб бормоқда. Бу ҳам эътиборга молик жиҳатдир.

Дарвоқе, жорий йилнинг биринчи чорагида 2,9 миллион нафар хорижлик саёҳат мақсадида юртимизда меҳмон бўлди. Мазкур рақам 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 37 фоизга кўпдир.

– Музей-шаҳарларимиз, асрлар оша давом этиб келаётган миллий аъъаналаримиз, гўзал табиатли, оромбахш манзилларимиз хорижий туристларни мафтун этиб, саёҳатга чорлайди, албатта. Бироқ моддий-маданий имкониятлар бўлгани билан, туристик хизматлар хаминқадар



бўлса, соҳада олдинга силжиш деярли имконсиз, тўғрими?

– Тўғри. Туризм иқтисодиётининг 40 дан ортиқ йўналишига ижобий таъсир кўрсатади. Хорижий сайёҳларнинг мамлакатимизга келиши учун авиа чипта харид қилиши, меҳмонхонада яшаш, транспорт ҳамда овқатланиш хизматларидан фойдаланиши – бу жараёнлар хизмат кўрсатиш ва сервис, банк, транспорт, савдо, ишлаб чиқариш каби қўллаб-қўллайишларга иқтисодий наф келтиради. Табиийки, туристик хизматлар ҳам хорижий сайёҳлар диди ва талаблари даражасида ривожланади.

Мамлакатимизда туристик хизматлар йўналиши йилдан-йилга такомиллашяпти, деб ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкин. Айни пайтда ҳудудларимизда мингдан ошқ жойлаштириш масканлари, жумладан, 136 та меҳмонхона, 528 та оилавий меҳмон уйи, 298 та хостеллар фаолияти йўлга қўйилган. Туристик ташкилот ва турагентлар сони эса 4 минг 406 тага етган. Республика бўйлаб 4 минг 448 та гид-экскурсоводлар хизмат кўрсатмоқда.

Шу ўринда бир масала. Ижтимоий тармоқларда хорижий сайёҳларнинг юртимизга таширфи билан боғлиқ эътирозли, баҳсли мурожаатлари ҳам аъён-аъёнда бўлса-да, учраб туради. Бундай ҳолатларга тезкор муносабат билдириб, чет элликлар дуч келаётган ёки кузатаётган муаммоларни жойида ечиш қўмитамиз фаолиятининг устувор йўналиши саналади. Биргина мисол. Ўтган йилнинг ўзида тадбиркорлик субъектларига берилган тавсиялар натижасида 892 та санитария-гигиена шохобчаси ҳолатлари яхшиланшига эришилди.

– Биламизки, 2020 йилда коронавирус пандемияси бошланиши билан халқаро туризм бир муддат қаратлик даврини бошдан кечирди. Чегараларнинг ёпилиши, карантиннинг кучайтирилиши фонида бошқа бир давлатга саёҳат учун бориш абсурдга айланди. Лекин бу давр бутун

дунёда ички туризмнинг кескин ривожланиши учун дебоча бўлганини таъкидлашди мутахассислар. Хўш, Ўзбекистонда ушбу жараён қандай кечди? Ички туризм йўналишида қандай янги ёндашувларни кўришимиз мумкин?

– Дарҳақиқат, яқин тарихимиздаги пандемия туризм саноати учун янги босқични бошлаб берди. Сайёҳларнинг талаблари ўзгарди. Яъни улар саломатлик хавфсизлиги, экологик тозаллик, шахсий ҳудуд ва сифатли хизматларга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Қайд этганимиздек, ички туризм кескин ривожланди. Ўзбекистон ҳам ушбу глобал жараёндан четдан тургани йўқ.

Давлат томонидан ички туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиши қисқа давр ичида бу йўналишда салмоқли натижаларга замин яратди. "Ипак йўли" лойиҳалари асосида қадимий шаҳарларимизда янги

вилоятда "Узунбулок", Фарғонада "М. Топволдиев", Самарқандда "Оқсой", "Омонқўтон", "Янгижой", Сурхондарёда "Нилу" ҳамда Тошкент вилоятида "Яккатут" туризм қишлоқлари ва маҳаллалари ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида 4 та йирик туризм кластери ишга туширилди.

Туризм қишлоқлари нафақат ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий инфратузилмаси ривожига ҳал қилувчи ўрин тутмоқда, балки минглаб иш ўринлари яратилишига, юзлаб оилаларнинг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда йилнинг тўрт фаслида ҳам мароқли дам олиб, хордиқ чиқарадиган, инсонга руҳий сокинлик, маданий-маънавий озуқа берадиган қишлоқ ва маҳаллалар жуда кўп. Керак бўлса, ҳар бир ҳудудимизнинг ўзига хослиги, у ерда яшовчи аҳолининг шунга мос турмуш тарзи, урф-одат ва маданияти бор. Буни кўрсатиб бера олиш, сайёҳлик ва сайёҳлар учун қулай, хавфсиз шароитни яратиш орқали туризмдаги ўсиш кўрсаткичларини икки-уч карра ошириш имконияти мавжуд. Шунга кўра, туризм объектиларини кўпайтириш ва туризм бозорини кенгайтириш чора-тадбирларига устувор диққат қаратмоқдамиз.

Соҳада амалга ошираётган кенг қўламли ва тизимли ишларимиз, янги-янги лойиҳалар ва дастурлар туризмни мамлакат иқтисодиётининг муҳим драйверига айлантириб, янги иш ўринлари яратиш ва хизматлар экспортини кўпайтириш имконини берапти.

Жаҳон жамоатчилиги Янги Ўзбекистонни туризм соҳаси энг тез ривожланаётган мамлакат сифатида танимоқда, билмоқда, эътироф этмоқда. Соҳани такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми мустаҳкамланаётгани, бу йўналишда тадбиркорлик субъектларига қатор имтиёз ва имкониятлар берилаётгани, сайёҳлик инфратузилмасини модернизациялаш ва хизматларни диверсификация қилиш, туризм соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш чоралари жадаллик касб этаётгани натижаси бу! Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда сайёҳлик имижига фаол тарғиб қилинаётгани ҳам ўз маҳсулини бермоқда. Жумладан, 2025 йилда 22 давлатда ўттизга яқин кўргазма ва ярмаркаларда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти намойиш этилди. Россия ва Хитойда "Ўзбекистон туризм йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қатор маданий ва тарғибот тадбирлари ўтказилди. 20 та давлатда "Road show" лойиҳалари ва тақдимотларимиз қизғин кутиб олинди. 15 та хорижий йирик медиаплатформаларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик манзилларига оид ўнлаб контентлар жойлаштирилди.

Халқаро оммавий ахборот воситалари ҳам мамлакатимиз туризм салоҳиятига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. Халқимиз маданияти, меҳмондўстлиги, тарихий шаҳарларимиз, миллий ошхонамиз кенг ёритилмоқда. Дунё бугун Янги Ўзбекистонни "Марказий Осиёнинг дурдонаси", дея таърифламоқда.

Ривожланиш суръатини янада ошириш, янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларни йўлга қўйиш, соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш учун хорижий инвесторларни жалб қилиб, Ўзбекистоннинг бу бўйича халқаро рейтинглардаги ўрни юқорилаб боришига муваффақ бўлиш олдимизда турган энг катта ва энг эзгу мақсадимиздир.

"Ўзбекистон овози" газетаси муҳбири Фариди МАҲКАМОВА сўхбатлашди.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

МАТБУОТНИ нурлантираётган шоир



Жадид журналистларининг аксарияти шоир бўлгани тарихдан маълум. Масалан, буюк адиб Абдулхамид Чўлпон қаламига мансуб публицистик асарларни худди шеър каби завқланиб мутлола қилганмиз, ҳозир ҳам уларни ўқиймиз. Ҳар ўқиганимизда қалбимиз янада нурланади. Уйғоқликка чорлайди бу асарлар.



Шоир киши журналистикада ишласа, қолаверса, бош муҳаррир бўлса, образли қилиб айтганда, бу ҳам матбуотни нурлантириб юборади. Абдурасул Жумакул ана шундай матбуотни нурлантираётган шоир.

Абдурасул билан шахсан танишган пайтимни аниқ-тиниқ эслайман. Чунки танишувимизнинг "қиррадор" сабаби бор: 2007 йил февралнинг охирида Германиядан немисзабон хорват шоираси Марица Бодрожич келиб, биз билан тор доирада учрашув ўтказди. Ўшанда "Гулистон" журналида ишлардим. Тилбилгич Мирзаали Акбаров шеърларни немисчадан сўзма-сўз ўгириб берди, мен кўркем таржима "ясасим". "Гулистон" журналининг бош муҳаррири ўшанда шоир Азим Суюн эди. Журналда Марицанинг туркум шеърлари чиқди. Бундан руҳланиб, жараёни давом эттирдик. Зўр умид билан яна "Жаҳон адабиёти" журнаliga топширдик. Бироқ мазкур нашр масъулларидан бирига шеър "ғалатилиги" ёқмади. Таржима журнал ғаладони тортмасида қолиб кетди. Ана ўшанда шоир дўстим Муҳаммад Ғаффор (охирати обод бўлсин) "Абдурасул бунақа шеърларни тушунади, ҳис этади. Унинг савияси жуда баланд. Ўзи шоир", деб қолди. Мен "Абдурасулнинг публицистик асарларини ўқигандим. Шеър ҳам ёзадими?" дедим. "Ҳа-да! Шеърли тўплами ҳам нашр этилган", деди.

Хуллас, Марица Бодрожичнинг туркум шеърлари бош муҳаррир тавсиясига биноан "Hurriyat" газетасида босилди. Кейинчалик "Жаҳон адабиёти" журналида ҳам нашр қилинди. Буларни нима учун эсламоқдаман? Таъкидлашни истардимки, диди ўткир, савияси баланд шоир бош муҳаррир курсида ўтирса, бунинг миллат бадиий тафаккури даражасига таъсири бекиёс. Бироқ электрон матбуот гуркураган бир замонда босма матбуот "тегирмони"ни айлантириш жуда ҳам қийин. Шоирга эса руҳий хотиржамлик сув ва ҳаводай зарур. Агарда Абдурасул Жумакул газета ва журналларга кетаётган энергиясини устоз Рауф Парфи сингари шеърятга йўналтиришганда, шубҳа йўқки,

шоирлиги, эҳтимолки, янада қуюқ рангларда намоён бўларди. Унинг "Шарқ юлдузи" журналида чиққан "Эсга тушди эски хотира" (2017) ҳамда "Орзуларинг каби учар узоққа..." (2023) шеърли туркумларини ўқиб, айнан шундай хулосага келганман. Тўғри, бизда Европадагидек туркумларга баҳо бериш урфга айланмаган. Аслида туркумнинг қиймати китобниқидан кам эмас. Қолаверса, "Шарқ юлдузи" журнали 2023 йилда етти минг уч юз эллик нусхада чиққан. Шеърли китоблар нари борса, ҳозирги вақтда минг нусхада чоп этилади. Мана, сизга бадиий журналнинг аҳамияти!

Қолаверса, ижодкорнинг услубини, усулларини англаш, ифода "таъми"ни илғаш учун тўрт-бешта шеърини астойдил ўқишинг ўзи кифоя.

Шеър – санъат асари. Демак, шоир санъаткордир. Унинг ҳунари тилда кўринади. Шу боис "шоирнинг хос тили", дейдилар. Услуб поэтик тилдан униб чиқади. Абдурасул Жумакулнинг услуби – зич. Оз сўзда кўп маъно акс этади. Мана, уч сатр:

**Бунчалар гўзалсан,
Эй фаришта ой
Ҳатто момо бўлсанг ҳам.**

Шеър сўз ўйини устига қурилган. Тилимида оймомо деган атама бор. Одатда, момолар ўраниб юришади. Шунга ишора бўлса керакки, булутлар қуршовидаги ойни эркалаб, оймомо дейдилар.

Айрим шоирларда ички нигоҳ, яъни "учинчи кўз" мавжуд бўлади. Бошқалар кўриб билмайдиган борлиқ шоирнинг ботиний қорачиғида акс этади. Сўз сеҳри шу баробарида фаройибдир. Шоирнинг аксар шеърларида ўқувчи руҳига кўчадиган сеҳр бор. Жумладан, "Мармар соҳилида" шеърда:

**Денгиз бўйида
Сайр қилиб юрардинг ёлғиз,
Кўзларинг ҳам уммондек
Кўм-кўк.
Сочларинг, кокилларингни
Шамол ўйнади.
Бирам ярашиқли эди
Буларнинг бари.**

– дея шоир Мармар денгизи манзараларини чизмоқда. Бош қахрамон – гўзал қиз. Унинг сочларини совуқ шамол силаётгани лирик қахрамонга

ёқмайди. Бу шеърда уч образнинг ҳаракати бор: сохибжамол, совуқ шамол ва лирик қахрамон. Ушбу шеър картина тасвири каби идрокка муҳрланади. Бу усул тасодифий эмас.

Шоир шеърларидаги янги оҳанглар, Ғарб ва Шарқ поэзиясининг илғор аъналарини синтезини, шулар орқали "ижодий мен"ни кузатиш мумкин.

Абдурасул Жумакул назми ранг-баранглик асосида ўқувчи диққат-эътиборини тортади. Ҳозирги замон ўзбек шеърляти шу каби бетакрор овозлар ҳисобига бойиб бораётгани қувонарли ҳол. Бу гўё бир ранг кабидир, мақолаларгаям, бадиий публицистикага ҳам ўша ранг юқади барибир. Шоирнинг "Кундузги чироқ" китобини мутлола қилсангиз, кўнглингиз ёришади. Чироқ асосан кечкурунлари ёқилади. Бу ҳаммага маълум. Аммо кундузги чироқ ажабтовур.

"Ўқиғансиз, юнон донишманди Диоген куппа-кундузи кўчада чироқ кўтариб юрганини кўриб, ундан сўрайдилар: "Нима излаб юрибсан?". У "Одам излаяпман!", деган экан", деб ёзилади "Кундузги чироқ" отлиг китобда. Бир қарашда ғалати. Лекин мантиқ тарозисидида тортилганда бутун шахс тушунчаси шу таъкидга оқлайди. "Албатта, маддоҳлар бизда истаганча топилади. Товусдай "об-ҳаво"га қараб турланадиганлар ҳамини бўлган. Бундан кейин ҳам улар яшайверади". Бу гаплар шоир, публицист Абдурасул

Жумакулнинг "Кундузги чироқ" китобидан ўрин олган.

Ижодкор одамнинг нимагадир эришганида унинг ёзганларига қараб фаолиятига баҳо берилади. Абдурасул Жумакул ўтган йиллар мобайнида "Осмон бешиги", "Ишқ боғи", "Юракка сиғмаган гаплар", "Йиллар ва йўллар", "Сурхон полвонлари", "Кундузги чироқ" номли шеърли, публицистик китобларни закий ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилди. Китобларнинг орасида шеърли тўпламлар бир тараф, "Кундузги чироқ" бир тараф. Мазкур китоб "Фазилатли кунлар", "Тийран илдишлар", "Инсон қиёфаси", "Меҳр кўргони", "Тиниқлик соялари", "Воқеий хикоялар", "Саёҳатнома", "Эсселар" деб номланган саккизта бобдан иборат. Саккизта боб ўзаро туташиб, яхлит "овоз"га айланадики, бу "овоз" Ренессанс жараёнига ғоят муносиб. Энг муҳими, мазкур китобни ёш авлод вакилларига ўқитиш жоиз. Замонага монанд китоблар чиқиш тирибди, ўқиялтириш-йўқми, булимаймиз.

Буюк адиб Абдулхамид Чўлпон адабиётни "...Фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингишган қора балчиқларни тозалайдиргон, ўткур юрак кирларини ювадургон тоза маърифат суви" деб таърифлаган эди. Шундай экан, адабиёт йўлида хизмат қилиш шарафли иш. Абдурасул Жумакул миллиятнинг иллатдан қутулиши учун жон куйдираётганлардан бири сифатида тарихга кириб бораётир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳамкасбимизнинг узоқ йиллардан буён ўзбек матбуотидаги самарали фаолияти ҳам алоҳида таъкидлашга арзийди. У 1990 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) нинг журналистика факультетини тамомлаганидан сўнг ўтган йиллар давомида фақатгина босма нашрларда ишлаб келмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон овози"нинг Сурхондарё вилояти бўйича муҳбири сифатида ўн йилдан зиёд меҳнат қилди. Сўнгра газета бош муҳаррири ўринбосари сифатида ҳам фаолият юритди. Унинг Сурхон диёридан ёзган ўнлаб публицистик мақолалари, танқидий-таҳлилий чиқишлари доврўғини эшитганмиз.

Албатта, сўзни муқаддас билиб, журналистик касбни ҳалоллик мезони билан қаттиқ ушлаб меҳнат қилишинг ўзи бўлмайди. Унинг ҳамиша ҳақ сўзни айтиши доим ҳам ҳаммага ёқавермаган. Лекин чинакам фидойилик ерда қолмас экан. Машаққатли ва ҳалол меҳнатлари туфайли у 2003 йилда "Шухрат" медални билан, 2021 йилда эса "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди.

Матбуот – жамиятнинг кўзгуси, деймиш. Бу кўзгу айнан Абдурасул Жумакул сингари қалбида олови бор, жасоратли инсонлар туфайлигина тиниқлик касб этишига шубҳа йўқ. Унинг келгуси фаолиятида янада сермахсул ижод завқини тилаймиз.

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
юзумаси аъзоси.**

ҲАМКОРИМИЗ

"Агробанк" АТБ томонидан Президентимизнинг 2026 йил 13 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни жорий қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк раҳбарияти ҳамда тегишли ташкилотлар масъуллари, фермер ва деҳқонлар, аграр соҳа олимлари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юқоридаги қарорда қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, хусусан, банк хизматларини илғор хорижий ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда замонавий рақамли маҳсулотлар ҳаммини кенгайтириш вазифалари белгилаб берилган.

– Банкнимиз олдида ҳам қатор аниқ ва улкан вазифалар кўйилган, – дейди "Агробанк" АТБ Стратегия ва трансформация мажмуаси раҳбари Улуғбек Файзуллаев. – Ташқи ва ички манбалар ҳисобидан 25 триллион сўм миқдоридида қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш, ҳар бир ҳудудда агрохизмат зоналарини ташкил этиш, 2026-2027 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида 10 та стартап лойиҳани амалга ошириш, "Сувчилар мактаби" орқали ҳар йили 10 минг нафар фермерни қамраб олиш ҳамда "Фермерлар мактаби" онлайн платформаси орқали билимлар қамровини кенгайтириш шулар жумласидан.

Эътиборли жиҳати, банкнимиз эндиликда фақат молиявий ресурс ажратувчи институт сифатида эмас, балки қишлоқ хўжалиги субъектларига комплекс хизмат кўрсатувчи тизим сифатида иш юритади.



"Агробанк":

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ БИЛАН ЯНГИ БОСҚИЧ САРИ

Бундан ташқари, агрохизмат зоналарида қишлоқ хўжалиги агенти фаолияти йўлга қўйилиб, агрономик маслаҳатлар, сув ва энергия тежовчи технологиялар, тупроқ таҳлили ҳамда қўчат етказиб бериш хизматлари ҳам йўлга қўйилади.

– Банкнимиз томонидан рақамли трансформация жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Агробанк" АТБ Бизнес ва рақамли маҳсулотлар мажмуаси раҳбари Хондамир Бегматжонов. – Сунъий интеллект, масофавий мониторинг ва "big data" технологиялари асосида қишлоқ хўжалигида таҳлил ва

бошқарувнинг замонавий механизмлари жорий этилмоқда.

Бу орқали Қишлоқ хўжалиги мониторинг марказини ташкил этиш, экин майдонларини аэрокосмик кузатиш, ҳосилдорлик прогнозини шакллантириш ҳамда кредитлардан мақсадли фойдаланишни мониторинг қилиш тизимларига асос солинади. Шунингдек, Жиззах вилоятида боғдорчилик ва Сирдарё вилоятида чорвачилик йўналишларида сунъий интеллектга асосланган пилот лойиҳалар амалга оширилади.

Стартап экотизимини ривожлантириш

мақсадида "Агробанк" АТБ таъсисчилигида "Agro Ventures" жамияти ташкил этилган бўлиб, ушбу тузилма орқали инновацион ғояларни молиялаштириш, акселерация ва тижоратлаштириш жараёнларини йўлга қўйиш, хорижий венчур компаниялар ва экспертлар билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилган.

Қолаверса, халқаро ҳамкорлик доирасида Жаҳон банки билан қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, янги рақамли маҳсулотлар ва хизматларни жорий қилиш бўйича, Осие тараққиёт банки билан эса бизнесни ривожлантириш, кредит рискларини бошқариш ҳамда "ESG" тамойилларини амалиётга татбиқ этиш бўйича қўшма лойиҳалар амалиётга йўналтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, эндиликда қишлоқ хўжалигида молиявий хизматлар ва амалий сервислар ўртасида ягона тизим шаклланади, агрохизмат инфратузилмаси ривожланади, инновацион лойиҳалар маҳсулотлар-қувватланади ҳамда рақамли технологияларни татбиқ қилиш жадаллашади. Мазкур ташаббуслар агро соҳани янги бошқича олиб чиқиш, фермер ва тадбиркорлар учун қулай ва самарали муҳит яратишга хизмат қилади.

Тадбир доирасида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда замонавий рақамли платформалар ва сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигидаги экин майдонларини аэрокосмик кузатишни йўлга қўйиш мақсадида "Агробанк" АТБ томонидан "Ўзбеккосмос" агентлиги ҳамда "Suniy intellect alyansi" ННТ билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.**

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ - АМАЛДА

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН АСОСИЙ КУЧГА АЙЛАНТИРИШ – БОШ МАҚСАД



► (Давоми. Боши 1-бетда)

– Мазкур Фармон мамлакатимизда олий таълимни янги босқичга олиб чиқиш, илм-фаннинг иқтисодиёт билан узвийлигини таъминлаш ва инновацион тараққиётни жадаллаштириш йўлидаги муҳим ва керакли қадам бўлди, – дейди олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов. – Унга кўра “5 Т” тамойили (таълим, тарбия, тадқиқот, тижоратлаштириш ва тизимли такомиллаштириш)ни қамраб олган мутлақо янгича ёндашув жорий этилмоқда. Асосий мақсад эса олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичларига эришишни жадаллаштириш, илмий салоҳиятни бирлаштириш орқали илмий кластерлар ташкил этиш, олийгоҳларда академик, ташкилий ва молиявий мустақилликни кенгайтириш, Ўзбекистонни минтақадаги таълим хабиغا айлантиришдан иборат. Олдинлари олийгоҳлар фақат дарс ўтиш (таълим) билан чекланиб қолаётган эди. Талабанинг маънавий ҳолати (тарбия), олимларнинг изланишлари (тадқиқот) ва энг асосийси, илмий кашфиётларни ишлаб чиқаришга йўналтириб, даромад топиш (тижоратлаштириш) масалаларига етарлича эътибор қаратилмади. Эндликда янги тизим орқали олийгоҳлар ўзи янгилик яратадиган, уни бозорга олиб чиқадиган ва ўзини ўзи молиялаштирадиган яхлит инновацион марказга айланади. Шу билан бирга, “U 10” дастури (Ўзбекистоннинг глобал даражадаги илғор университетлари” лойиҳаси), илмий кластерлар, миллий рейтинг тизими ва рақамли экотизим каби муҳим ташаббуслар соҳанинг келгуси тараққиётини белгилаб беради. “U 10” дастурига мувофиқ олийгоҳларга миллий тадқиқот университети мақомини бериш йўлга қўйилади. Миллий тадқиқот университети мақоми эса давлат илмий дастурлари доирасида илмий

кластер ташкил этиш лойиҳаси бўйича ўтказиладиган танловда ғолиб бўлган 10 та олийгоҳга берилади. Ўз ўрнида, 2030 йилгача 10 та олийгоҳни глобал рейтингларга киритиш мақсад қилинган. Уларга илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмгача маблағ берилади. Бундан ташқари, 2027 йил 1 январдан бошлаб олий таълим ташкилотлари фаолиятини баҳолашнинг янги – миллий рейтинг тизими ишга тушади. Рейтинг натижаларига кўра, олийгоҳларни молиявий рағбатлантириш механизми йўлга қўйилади. Баҳолаш жараёнида таълим сифати, илмий фаолият, халқаро ҳамкорлик, рақамлаштириш даражаси ва битирувчиларнинг бандлиги каби кўрсаткичлар инobatга олинади. Оддий қилиб айтганда, қайси университет сифатли таълим берса, битирувчилари тез иш топса ва илм-фанда олдинда бўлса, ўша олийгоҳ давлат томонидан кўпроқ молиявий рағбатлантирилади. Фармон билан давлат олийгоҳларида грант асосида таъхил олаётган талабалар учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар миқдорини аниқлашнинг янги механизмларини жорий қилиш ҳам кўзда тутилган. Унга кўра, грант талабалари учун маблағлар миқдорини аниқлашда профессор-ўқитувчилар юкломаси, таълим соҳаси мураккаблиги ва моддий-техник базаси, таълим соҳаси устуворлиги, илмий тадқиқотга йўналтирилганлиги, таълим ташкилотининг ҳудудий мансублиги каби омиллар ҳисобга олинади. Яъни авваллари давлат гранти асосида ўқийдиган талабалар учун давлат томонидан ҳамма олийгоҳга даярили бир хил маблағ ажратиларди. Эндликда бу тартиб ўзгаради. Агар университетнинг лабораториялари замонавий, устозлари кучли илмий салоҳиятга эга ва олийгоҳ рейтингини баланд бўлса, ўша университетга битта грант талабаси учун кўпроқ пул тўлаб берилади. Яъни, маблағ тўғридан-

тўғри сифатга қараб берилади. Бу олийгоҳларни ўзаро рақобат қилишга мажбур қилади. Яна бир хурсанд қиладиган янгилик. Агар талаба бакалавр босқичини инглиз (ёки бошқа хорижий) тилда ўқиш тугатган бўлса, кейинги босқичга (магистратура ёки докторантурага) ҳужжат топшираётганда ундан тил билиш сертификати сўралмайди. Хабарингиз бор, мамлакатимиздаги олийгоҳларнинг глобал рейтинглардаги рўйхатларга кириши натижасида олий таълим тизимининг нуфузи ортиб, чет эл фуқароларининг Ўзбекистонда тахсил олишга интилиши ошиб бормоқда. Бугунги кунда, мамлакатимизда ўқиётган хорижлик фуқаролар сони 23,4 минг нафардан зиёд. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш ва уларга қўшимча имкониятлар эшигини очиш учун чет эллик талабаларни ўқишга қабул қилиш платформаси – “Study in Uzbekistan” ташкил этилади. Олий таълимни ривожлантириш ва глобал ҳамкорлик маркази очилиб, ҳар йили 500 нафар иқтидорли хорижий талаба учун “Янги Ўзбекистон стипендияси” ажратилади. Хўш, бу мамлакатимиз учун қандай наф беради?

Биринчидан, мамлакатимизга таълим туризми орқали катта миқдорда хорижий валюта кириб келиши таъминланади. Иккинчидан, чет эллик талабаларнинг кўпайиши олийгоҳларимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини кескин кўтарди. Учинчидан, университетларимиз очиқ рақобат майдонига чиқиб, жаҳон таълим бозорига ўз ўрнини топишни ўрганади. Яна бир муҳим масала. Рақамли таълим ва сунъий интеллектни ривожлантириш маркази ташкил этилиб, таълим тизимида ягона рақамли экотизим шакллантирилади. Шу билан бирга, олийгоҳларга ҳам кўплаб имкониятлар берилмоқда. Жумладан, проректорларни тайинлаш, ўз тизимидаги таълим ташкилотлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, шунингдек, ўқиши кўчирилган, қайта тикланган, академик мобилликдан қайтган талабаларнинг ўзлаштирилган кредитларни тан олиш, аниқланган фарқларни топириш тартибини белгилаш ҳамда кафедралар штат бирликлари ҳамда профессор-ўқитувчилар ўқув юкломасининг минимал миқдорларини белгилаш каби бир қатор ваколатлар олийгоҳларга ўтказилмоқда. Бош мақсад – олий таълимни давлат бюджетига боғланган тизимдан мустақил фаолият олиб борадиган, ўзи маблағ топадиган, меҳнат бозорига тайёр, рақобатбардош кадрлар етиштириб берадиган асосий кучга айлантиришдир.

Тоштемир Худойқулов, “Ўзбекистон овози” мухбири.

СПОРТ

КИКБОКСИНГ: ЖАҲОН КУБОГИДА 72 ТА МЕДАЛЬ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ



Спорт вазирлиги матбуот хизматининг ахборотиغا кўра, Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кубогида ўзбекистонлик кикбоксингчилар тарихий натижани қайд этиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган. 32 мамлакатдан 1000 нафардан зиёд спортчи қатнашган жаҳон кубогида юртдошларимиз 36 та олтин, 22 та кумуш ва 14 та бронза – жами 72 та медални қўлга киритди. Шунингдек, мусобақа жадвалида Таиланд спортчилари биринчи ўринни эгаллаган бўлса, учинчи ўринни Вьетнам жамоаси банд этган.

ФУТБОЛ: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ТЕРМА ЖАМОАЛАР ПУЛ МУКОФОТИ ОЛАДИ



Жорий йилнинг 11 июнь куни старт оладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Америка қитъасининг 3 та давлати – АҚШ, Канада ва Мексика меҳмонлик қилади. Жаҳон чемпионатида иштирок этадиган терма жамоалар қанча маблағ олиши тақсимлаб чиқилди. Унга кўра, мусобақада чемпион бўлган терма жамоага 50 миллион доллар берилади. Финалгача етиб келиб, мағлуб бўлган жамоага 33 миллион доллар насиб этади, яъни кумуш медалга сазовор бўлган жамоага. Бронза медалига эга чиққан терма жамоа эса 29 миллион доллар олади. Кучли тўртликдан жой олган терма ҳам 27 миллион долларни қўлга киритади. Шунингдек, 5-8-ўринларни эгаллаган жамоалар 19 миллион доллардан мукофот пулини қабул қилиб олади. Бундан ташқари, нимчорак финал босқичига етиб келган ҳар бир терма жамоага 15 миллион доллар миқдорига мукофот пули берилади. Гуруҳ босқичини муваффақиятли яқунлаган жамоаларга эса 11 миллион доллардан тақдим этилади.

САМБО: ЁШЛАРИМИЗ 7 ТА МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида самбо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда юртимизнинг ёш самбочилари муваффақиятга эришди. Қўшни давлатларнинг маҳоратли спортчилари қатнашган турнирда тажрибали мураббий Роман Шокиров етакчилигидаги 7 нафар самбочимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Қизгин курашларга бой кечган турнир якунида ўзбекистонлик ёш самбочилар 3 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритди. Спортчи ёшларимиздан Артём Безруков, Файзиддин Лутфидинов ва Степан Зяблов олтин, Авазбек Авазбеков, Шоҳсувор Расулов кумуш, Акмал Азимов, Фирдавсий Лутфидинов бронза медалига эгалик қилди.

Интернет материаллари асосида Тоштемир МУРОД тайёрлади.

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ

Худудларда оддий одамлар дуч келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда давлат идоралари билан бир қаторда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда сиёсий партиялар ҳам фаол бўлиши лозим. Шундагина тараққиёт бўй кўрсатиб, юксак натижалар қўлга киритилиши табиий.

Бу борада Ўзбекистон ХДП Бойсун туман кенгаши ва депутатлик гуруҳи томонидан хайрли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ана шу қатор эзгу ташаббуслар туфайли аҳолини қийнаётган масалалар ечим топиб, электротимиз вакилларининг турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда. – Худудимиз Ҳисор тоғ тизмалари этакларида жойлашган, – дейди Ўзбекистон ХДП Бойсун туман кенгаши раиси Зоҳидаҳон Ўзбекова. – 130 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. 30 мингга яқин хўжалик бор. Юртдошларимизнинг асосий қисми чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида эътиборда. Шу билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП



ҳам йўқ эмас. Янги иш жойлари ташкил қилиш, қайта ишлашни йўлга қўйиш, инфратузилмани яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш шулар жумласидандир. Ана шундай камчиликларни бартараф қилишда ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани айни муддао бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 23 та депутатлик сўрови юборилган бўлса, уларнинг асосий қисми ижобий

ечим топгани ҳам бунинг амалий натижасидир. – Ана шундай хайрли ишларни барча соҳа ва йўналишларда кўриш мумкин, – давом этади халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Файзиддин Турсунқулов. – Маълумки, йилнинг асосий қисмида худудимизда ёғинли кунлар кузатилади. Бу эса сел-сув тошқинларига олиб келиши

табиий. Худуддаги “Сойчашма” дарёси устидан ўтадиган кўприк ҳам ана шундай муҳим гидро иншоотлардан ҳисобланади. Сойнинг юқори қисмида 200 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Одамлар 20 йилга яқин айланма йўллардан юришга мажбур бўлиб келди. Ўзбекистон ХДП туман кенгаши масъуллари ҳамда депутатлик гуруҳи томонидан масала жойида ўрганилди. Туман ҳокимлиги ҳамда тегишли соҳалар масъулларини тақлиф қилди. Аҳоли вакиллари ва фаоллар билан кечган учрашувда йўл ўтказгични ҳашар йўли билан барпо қилишга келишиб олинди. Ҳозирги кунда қурилиш-бунёдкорлик ишлари қизгин давом этмоқда. Ҳамкорликда ҳикмат кўп деганларидек, эни 3, узунлиги эса 28 метрли иншоотни энг улуғ ва энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон овози” мухбири.

МУАССИС:



O'zbekiston OVOZI TAHRIR HAY'ATI: Ulug'bek INOYATOV, Ulug'bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiiddin MUHIDDINOV, Olim RAVSHANOV, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3. Телефонлар: (71) 239-12-14. Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 437. 4005 nusxada bosildi. O'za yakuni — Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari. Topshirilgan vaqti — 22:45. 1 2 3 4 5 6. Sotuvda kelishilgan narxda